

Бақара сураси, 111-оят

08:40 / 08.11.2017 3624

Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насоро бўлганлардан бошқа ҳеч ким зинҳор кирмас», - дедилар. Бу уларнинг хом хаёлларидир. «Агар ростгўй бўлсангиз, далилингизни келтиринг», - деб айт. Бақара 111.

Кейинроқ келадиган оятларнинг хабарига кўра, аслида яҳудийлар «Жаннатга яҳудийлардан бошқа ҳеч ким кирмайди», - деганлар. Насронийлар ҳам «Жаннатга насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмайди», - деганлар. Иккала қавмнинг ҳам даъвоси бир хил бўлгани учун бу оятда уларнинг гапларини қўшиб, бирга келтирилмоқда.

«Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насоро бўлганлардан бошқа ҳеч ким зинҳор кирмас», - дедилар».

Аммо ҳар икки тоифанинг ҳам гапи хом хаёлдан бошқа нарса эмас.

«Бу уларнинг хом хаёлларидир».

Уларнинг ҳеч бирида айтаётган гапини, яъни ўзининг жаннатга киришини тасдиқловчи ҳужжат - далил йўқ. Шу ҳақиқатни тасдиқлаш учун Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хитоб этиб:

«Агар ростгўй бўлсангиз, далилингизни келтиринг», - деб айт», - демоқда.

Хўш, жаннатга кимлар киради ўзи? Улар айтаётгандек, фақат яҳудий ёки насроний бўлганларми?